ISSN: 2181-4341, IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245, SJIF – 5,431

А.Ў.Мукаррамов
ПСУЕАИТИ таянч докторанти

ТОШКЕНТ-1 БЕДА НАВИНИНГ КЎК МАССА ҲОСИЛДОРЛИГИГА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлар шароитида Тошкент-1 беда навини етиштиришда суғориш тартибларининг кўк масса ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: суғориш тартиби, Тошкент-1 беда нави, кўк масса, ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлар

Аннотация: В данной статье приведены материалы о влияние режим орошения на зеленую массу люцерны сорта Тошкент-1 в условиях такыровидных почв с признаками олуговения.

Ключевые слова: режим орошения, сорта люцерны Тошкент-1, зеленая масса, такыровидные почвы с признаками олуговения

Annotation: The paper presents materials related to influence of irrigation scheduling on green mass of alfalfa variety Toshkent-1 in the condition of takyr soils with meadow type.

Key words: irrigation scheduling, alfalfa variety Toshkent-1, green mass, takyr soils with meadow type

КИРИШ

Ҳозирги вақтда Республикамизда кузатилаётган сув танқислигини юмшатиш, чорва молларини тўйимли, ширали озуқа билан таъминлаш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини ошириш деҳқончилигимиздаги асосий муаммолардан биридир. Бу мақсадга эришишда албатта беда экинининг ўрни беқиёсдир. Мухтарам Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121 сонли «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан 2 миллион гектар суғориладиган ер майдонининг 10 фоизига алмашлаб экиш учун беда экинини жойлаштириш ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилган.Беда ўсимлиги азалдан барча турдаги чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланиб, таркибида осон ҳазм бўладиган кўпгина минерал моддалар ва витаминлар мавжуд.Бедада барг ва гул қанча кўп бўлса, унда протеин ва бошқа тўйимли моддалар,шунингдек витаминлар миқдори кўп бўлади,аксинча пояси кўп бўлганда эса шунга яраша клетчатка миқдори ошади.Ем-хашак экинлари учун асосий талаб, олинадиган кўк масса ҳосилдорлиги ҳисобланади, аммо йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида сув истеъмолининг назоратсиз олиб борилганлиги, иқлим ўзгаришлари нафақат минтақамиз худудида,балки жахон миқёсида глобал сув танқислиги муаммосини келтириб чиқармоқда.Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида сувнинг бехуда сарфланишини камайтириш,замонавий суғориш усулларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сув танқислигига чидамли навларини яратиш ва мавжуд турларини “мослаштириш” каби бир қатор вазифаларни талаб

этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, чорвачилик тармоғида муҳим озуқа ҳисобланган беда ўсимлиги қадимдан экиб келинган ва кенг тарқалган ўсимликлар туркумига киради. Илк бор беда эрамиздан 5 минг йил илгари Ўрта Осиё ва Кавказда экилган. Кейинроқ бу ўсимлик Европанинг бошқа минтақаларига, Шимолий ва Жанубий Америка ва Австралияга тарқалган. Беданинг ватани Осиё минтақаси ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ер юзида кенг тарқалган ҳолда ўртача 30 млн гектар ерга экилади. Қурғоқчиликка чидамли, аммо сувни кўп талаб этадиган ўсимлик ҳисобланади. Уни қурғоқчиликка чидамлилиги бақувват ва чуқур кирувчи илдиз тизими билан боғлиқ. Беданинг поя ва барглари яхши ўсиши учун сув билан етарли таъминланиши керак. Умумий сув истеъмол қилиш коэффициенти 700 - 900 бирлик ҳисобланади, тупроқ намлигига жуда талабчан, қурғоқчиликка чидамли. Униб чиқиши учун 18-20°C қулай ҳарорат ҳисобланади.. Қиш даврида қалин қор қоплами остида 40 ºC совуққа ҳам чидай олади.

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида беданинг Тошкент-1 нави якка ҳолда ва қоплама экинлар билан биргаликда баҳорги экиш муддатида парваришланганда суғориш тартибларининг кўк масса ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. 2023 йилдаги мавсумда беда экини 1-йил парваришланган бўлиб, 20 март санасида экилди ва умумий ўримлар сони 4 тани ташкил этганлиги кузатилди.Беда якка ҳолда парваришланган назорат вариантида Тошкент-3192 нави ўрганилган бўлиб, бошқа барча вариантларда Тошкент-1 нави тадқиқ қилинди. Беда якка ҳолда парваришланганда, Тошкент-1 нави Тошкент-3192 навга нисбатан юқори ҳосилдор эканлиги маълум бўлди. Бунда жами кўк масса ҳосилдорлиги Тошкент-1 нави ЧДНСга нисбатан 80% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда, худди шу суғориш тартибида суғорилган Тошкент-3192 навига нисбатан 57,9 ц/га юқори ҳосил олинганлиги аниқланди. Ўрганилган вариантлар орасида энг юқори жами ҳосилдорлик кўрсаткичи беда+қизил себарга қоплама экин аралаш экилган ва ЧДНСга нисбатан 80% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда олиниб, кўк масса 701,5 ц/га ни ташкил этганлиги кузатилди. Кейинги ўринда эса юқори ҳосилдорлик беда+арпа қоплама экин экилган ва ЧДНСга нисбатан 80% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилган вариантда олиниб, 675,3 ц/га ни ташкил этди. Беда перко билан қўшиб экилган ва 80% намликда суғорилганда эса ҳосилдорлик 645,1 ц/га, якка ҳолда парваришланганда 80% намликда суғорилганда Тошкент-1 навида 598,5 ц/га, Тошкент-3192 навида эса 540,6 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди.

1-йилги маълумотлар таҳлилига кўра, энг юқори ҳосилдорлик беда+қизил себарга қоплама экини экилган вариантларда олинмоқда. Беда якка ҳолда ва барча қоплама экинлар билан парваришланганда ҳам энг юқори кўк масса ҳосилдорлиги ЧДНСга нисбатан 80% суғориш олди тупроқ намлигида олинганлигини қайд этиш лозим. Ҳосилдорликнинг энг паст кўрсаткичлари барча беда якка ҳолда ва қоплама экинлар билан экилган вариантларда ЧДНСга нисбатан 60% суғориш олди тупроқ намлиги яъни қаттиқ суғориш тартиби (жесткий режим) да олинганлиги кузатилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, беда кўп ҳолатларда баҳорги муддатда экилганда қоплама экинлар билан бирга аралаш ҳолда экилишининг асосий сабаби бу 1-ўрим ҳосилини ошириш ҳисобланади. Ушбу тадқиқотларда шундай қонуниятлар аниқландики, беда қоплама экинлар билан қўшиб экилган барча вариантларда 1-ўрим ҳосили якка ҳолда парваришлангандагига нисбатан юқори бўлиши кузатилади ва айниқса қизил себарга ўсимлигининг кўп йиллик эканлиги,кейинги ўримларда ҳам қоплама экин сифатида униб чиқиши ҳисобига беда экини билан бирга парваришланган

вариантларнинг кейинги ўримларида юқори ҳосилдорликка эришилиб, 1-йил якуни бўйича энг юқори жами ҳосил ҳам ушбу вариантларда олинганлигини қайд этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121 сонли «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
2. Авлиёқулов А.Э. “Мамлакатимиз деҳқончилик тизими истиқболлари”. Монография. - “NISHON NOSHIR” нашриёти., - Тошкент., - 2015., - б. 1-600.
3. Атабаева Ҳ., Юлдашева З., Исламов А. Ботаника, ем-хашак етиштириш, агрономия асослари. // Дарслик. Т.2008 й. -Б.143-155.
4. Мирзажонов Қ., Сатипов Ф., Раҳмонов Р. “Алмашлаб экишда беданинг ўрни”. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2017. 40 б.
5. Интернет маълумотлари ; google.com